



**РИВОЖЛАНГАН ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАРИДА МАЪМУРИЙ ЖАЗОЛАРНИ
ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Қорабекова Мухлиса Шухрат қизи

*Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси Фориш тумани Ички ишлар бўлими
Жамоат хавфсизлиги хизмати ҳуқуқбуарликлар профилактикаси бўлинмаси вояга
етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори*

<https://muxlisaqorabekova85@gmail.com>

Аннотация: *Ушбу мақолада Ички ишлар органларининг маъмурий жазо чораларини қўллаш фаолиятида илғор хориж тажрибаларини аниқлаш, умумлаштириш, оммалаштириш Ўзбекистон Республикаси шароитида уларни маъмурий амалиётга жорий этиш учун таклиф ва тавсиялар киритиб, маъмурий амалиётдаги иш юритишни аҳволини яхшилаш, муаммо ва камчиликларини бартараф этиш чоралари баён этилган.*

Калит сўзлар: *маъмурий процессуал ҳаракатлар, огоҳлантириш, жарима, маъмурий жазоларни оғирлаштирувчи ҳолатлар, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар*

КИРИШ

Маъмурий-ҳуқуқий норма давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши махсус давлат воситалари билан таъминланадиган, хулқ-атвор меъёридир. Маъмурий жазо чораларини қўллаш фаолиятини юритиш ҳар бир ишни ҳар томонлама, объектив қатъий равишда қонунга асосланган ҳолда кўриб чиқишни ва қонунга мувофиқ жазо белгилашни талаб этади. Маъмурий жазо чораларини қўллаш фаолиятини юритишга ваколатли органлар (мансабдор шахслари) доирасида Ички ишлар органлари ҳам муҳим ўрин тутadi. Шу боис маъмурий жазо жораларини қўллаш ваколатига эга бўлган Ички ишлар органларининг ҳам мазкур фаолиятида маъмурий процессуал ҳаркатларини қандай ва қай тарзда қўлланилишини билиш, уларни таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Асосий қисм: Ички ишлар органларининг маъмурий жазо чораларини

қўллаш фаолиятида илғор хориж тажрибаларини аниқлаш, умумлаштириш, оммалаштириш Ўзбекистон Республикаси шароитида уларни маъмурий амалиётга жорий этиш учун таклиф ва тавсиялар киритиб, маъмурий амалиётдаги иш юритишни аҳволини яхшилаш, муаммо ва камчиликларини бартараф этишдан иборатдир. 2018 йил “Фаол тадбиркорлик инновацион ғоялар ва технологиларни қўллаб қувватлаш” йили деб эълон қилингани ҳам, ҳозирги



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

замонга мос равишда ички ишлар органларининг маъмурий жазо чораларинини қўллаш фаолиятини ривожланишини тақозо этади. Бу борада Россия Федерациясининг Маъмурий кодекси ўрганилди ва унда турлича ёндашувлар мавжуд. Булардан қуйидагиларни кўриш мумкин:

Россия Федерациясининг Маъмурий кодексига биноан маъмурий жазо чоралари қуйидагилардан иборат:

- огоҳлантириш
- жарима;
- ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- маъмурий йўл билан ушлаб туриш;
- чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Россия Федерациясидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш;
- фаолиятни вақтинча тўхтатиб туриш;
- мажбурий ишларга жалб этиш;
- расмий спорт ўйинлари ўтказиладиган жойларига ташриф буюриш кунда маъмурий тақиқлар қўйиш;

Мазкур маъмурий жазо чораларини қўллашда бир қатор енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инобатга олинади. Уларга қуйидагиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин:

Маъмурий жазо чораларини енгиллаштирувчи ҳолатлар:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг чин кўнгилдан пушаймонлиги;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан қилмишни содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан қилмиш содир этилганидан сўнг тегишли давлат органига ихтиёрий равишда хабар қилиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан қилмиш содир этилганидан сўнг тегишли давлат органига ҳолатни аниқлаш бўйича ихтиёрий равишда ёрдам кўрсатиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг зарарли оқибатларини олдини олиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан етказилган зарарни қопланиши;
- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаганлар томонидан содир этилиши;



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор ёки кичик ёшдаги фарзанди бўлган аёллар томонидан содир этилиши.

Маъмурий жазо чораларини оғирлаштирувчи ҳолатлар:

- ваколатли шахс томонидан хатти-ҳаракатни тўхтатиш тўғрисидаги талабга қарамай, ноқонуний хатти-ҳаракатни давом эттириши;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни бир нечта шахс томонидан содир этилиши;
- табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда вазиятларда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маст ҳолатда бўлганлиги.

Россия Федерациясида маъмурий жазо чораларини қўллашда юқорида кўрсатилган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлардан ташқари ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб бошқа ҳолатлар ҳам инобатга олиниши мумкин. Хар бир давлатнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа мамлакатларникидан муайян хусусияти билан ажралиб туради бу борада ўзига хос тажриба Россия Федератсиясидатўпланган. Мамлакат

конституциясининг 72-моддасига мувофиқ конунийлик ҳуқуқ-тартибот жамоат хавфсизлигини таъминлаш шунингдек жиноятларни олдини олиш Россиё Федератцияси ва унинг давлат органи субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Россия Федератцияси ИИБ федератциятаркибига кирувчи республикалар ИИБ лари, ўлкалари, вилоятлар,

федерал даражадаги шаҳарлар, ички ишлар бош бошқармалари, бошқармалар ва бўлимлар автоном вилоятлар ва округлар туман ва шаҳар ички ишлар органлари темир йўл, хаво ва сув транспорти тармоқ ички ишлар органлари ,таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари ички қўшинлар ҳамда тизимга кирувчи бошқа таркибий тузилмаларнинг фаолиятига раҳбарлик килади. Россия федератциясининг «Полиция тўғрисида»ги 2022 йил 7-феврал конуни қабул килинган бўлиб ушбу конунда полиция ижроия хокимяти федерал органининг ички ишлар соҳасидаги ягона марказлашган тизими таркибий кисми хисобланиб фаолиятнинг асосий йуналишлари қуйидагилардан иборат: шахс жамият ва давлатни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан химоя килиш жиноят ва мамурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фoш этиш жиноятларни аниклаш ва очиш жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш кидирувни ташкил этиш мамурий ҳуқуқбузарлик туғрисидаги ишларни юритиш ва мамурий жазоларни ижро этиш, жамоат жойларида ҳуқуқ тартиботни тaминлаш курул савдоси соҳасидаги Россия Федератцияси конунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш хусусий дедективлик ва кўриклаш жабрланувчилар, гувоҳ ва жиноятга оид суд иш юритувидаги бошқа иштирокчилар судьялар, прокурорлар, терговчилар ва ҳуқуқни муҳофаза килувчи ва назорат органларининг бошқа мансабдор шахслари ҳамда курикланиши талаб



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

этиладиган бошқа шахсларни давлат химояси билан таъминлаш эксперт-криминалистик фаолиятни амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон Республикасида эса ички ишлар органлари ҳуқуқий мақоми билан фаолият олиб боради, тизимининг ҳуқуқий асоси сифатида 2016-йил 16-сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни асос ҳисобланади. Ҳар иккала давлатлар ИИВ тизими вазифалари деярли бир хил тақсимланган. Россия давлатида полиция фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги таркибида қирқдан ортиқ бош бошқарма, департамент, бошқарма ва марказлар ташкил этилган. Уларнинг орасида жамоат тартибини

саклаш ва Россия федерацияси ижро ҳокимияти субъектлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиришни таъминлаш бош бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси, йирик халқаро ва оммавий спорт тадбирларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ва улар тизимидаги таркибий тузилмалар бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлиги таъминлаш вазифасини амалга оширса қолган бош бошқарма, департамент, бошқарма ва марказлар ўзига юклатилган асосий вазифаларни бажариш асносида малум бир вақт ва даражада ушбу фаолиятда иштирок этадилар. Россия Федерацияси ҳукуматининг 2022 йил 7-декабрдаги «Жамоат хавфсизлиги милицияси бўлинмалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Россия Федерациясида участка инспекторлари лавозими жорий этилган. Ўзбекистон Республикасида «ИИО таянч пунктларига» ўхшаш тузилмалар Россияда «тартибни сақлаш таянч пунктлари» деб номланиб тартибни сақлаш таянч пунктлари жамоатчилик органи ҳисобланиб унга қиравчи жамоатчилик тузилмалари билан келишилган ҳолда фаолият кўрсатиши кенгашлар томонидан таъминланади. Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари полиция участка пунктлари сифатида номлана бошлади.

Ҳулоса, ўрнида шуни айтиш лозимки, бошқа давлат тажрибаларини ўрганиш ва уларни айримларини мамлакат миллий қонунчилигига татбиқ этишга имкон яратади. Албатта хориж давлатларининг тажрибалари ва бу соҳадаги тартиботларини кўр-кўрона ўзлаштириш ярамайди. Уларни пухта ўрганиш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатига қараб жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари;тарихи, бугуни, хорижий давлатлар тажрибаси. Зиёдуллаев.М



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

2.Рустамов С.С., Бахрамов Х.Х. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 344348-б.

3. “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5076-сон 15.04.2021 йил

4.Рустамов С.С., Бахрамов Х.Х. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 344348-б.